

ГУЛНОЗА ЖУРАЕВА

# ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ

(XX–XXI аср материаллари асосида)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛНОЗА ЖУРАЕВА

# ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ

**(XX–XXI аср материаллари асосида)**

“Nodirabegim” нашриёти
Тошкент – 2021

**КБК: 83.8(5Ўзб)**
**Ж 91**
**УЎК: 821.512.133.09-93-1**

**ISBN 978-9943-7804-6-0**

Гулноза Жураева
Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия (XX–XXI аср материаллари асосида) [Матн] : монография / Г. Жураева. – Тошкент: Nodirabegim, 2021. – 204 б.

Мазкур монографиядан ўзбек болалар ҳажвий шеъриятининг тараққиёт такомили атрофлича тадқиқ этилиб, болалар шеъриятига хос бўлган ҳажвиянинг бадиий-эстетик ва тарбиявий аҳамияти, жанр такомилидаги ўрни аниқланиб, болалар шоирларининг сатирик ва юмористик кулги воситасида ҳажвий образ яратиш маҳорати илмий тадқиқ этилган.

**Масъул муҳаррир:**
**Қурдош Қаҳрамонов,**
филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**
**Сафо Матжанов**
педагогика фанлари доктори, профессор
**Эркин Мусурмонов**
филология фанлари доктори (DSc)

Мазкур монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгашининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

**© Жураева Г.**
**© "Nodirabegim" нашриёти, 2021.**

# КИРИШ.

Жаҳон адабиётшунослигида умумадабиётнинг муҳим узви бўлган болалар адабиётининг яратилиш тарихи, таркиб топиши, жанр хусусиятлари, бадиияти, адабий-эстетик ҳодиса сифатидаги ўзига хос хусусиятларига катта эътибор қаратилмоқда. Болалар адабиётида жанр имкониятларининг кенгайиши, мавзу янгиланиши [illegible] мумтоз анъаналарни техника тараққиёти билан уйғун ҳолда акс эттиришга асос бўлмоқда. Бадиий ижоднингқизиқарли қисми бўлган ҳажвия жанрининг фош қилиш санъати сифатида намоён бўлиш шакллари, образлилиги, дидактик аҳамияти, шунингдек, структурал-семантикваструктурал-композицион хусусиятларини ўрганиш масалалари атрофлича ёритилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида глобал ижтимоий муаммоларни бадиий талқин этиш, миллий ва умуминсоний ғояларга зид иллатларни ҳажвий йўсинда акс эттириш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу тенденция болалар шеъриятида ҳажвий-юмористик йўналишнинг қадим анъаналаридан озиқланиши баробарида ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Хусусан, мазкур жиҳатлар болаликнинг рангин манзараларини поэтик штрихларда акс эттириш, кичкинтойларнинг дунёни ўз "мен"и доирасида идрок этишга қаратилган услубий-шаклий изланишлар, ижодкорларнинг бадиий маҳорат сари интилишларида намоён бўлмоқда.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослиги ҳам жаҳонга юз тутиб, шўро даврига хос ижтимоий-мафкуравий қарашлардан воз кечилди. Бадиий асарларга, биринчидан, бадиий-эстетик ҳодиса сифатида қаралиши, таҳлил ва талқинларда ижодкор шахси, унинг поэтик олами ва маҳоратини очишга асосий эътибор қаратилмоқда. Болалар шеъриятида ҳажвиянинг аҳамияти, сатирик ва юмористик асарларнинг кичкинтойлар маънавий-эстетик диди шаклланишида, миллат учун муносиб ворислар бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутишини бунёдкор ғоялар асосида ёритиш ижтимоий заруратга айланди. "Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун..."[1] миллий маданиятимиз ва умумий тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларни бадиий

[1]Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 65-б.